

Саҳиҳул Бухорийнинг мухтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 248-ҳадис

248-6179- عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يُفْوَلَنَّ أَحَدُكُمْ: حَبِئْتُ نَفْسِي، وَلَكِنْ لِيُقْل: لَقِسْتُ نَفْسِي».

248- 6179. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Бирортангиз асло «Нафсим хабис бўлиб кетди», демасин, балки «Нафсим лақис бўлиб қолди», десин», дедилар».**

Изоҳ: «Хабис» - нопок, разил дегани бўлиб, бунга ботил эътиқод, ёлғон сўз ва ёмон ишлар ҳам киради. «Лақис» эса кир, норасо дегани. Бу икки калиманинг маъноси бир-бирига яқин бўлса-да, иккинчиси унча қўпол эмас. Ҳадиси шарифда киши ўзининг нафси, қалби ёмон ҳолатга тушиб қолса ҳам, бу ҳолатни ифодалаганда хунук лафз ишлатмаслиги тавсия қилинган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI